



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

Ғолиб Султонмуродович Мустафоев Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш	80
Marifat Umarovna Xudoyberdiyeva Xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ahamiyati	85
Askar Axrorovich Siddikov, Ahmadbek Nizomiddinovich Najmiddinov Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsion faoliyatni takomillashtirish yo‘nalishlari	87
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Muslimaxon Xolmatjon qizi Soxibova O‘zbekistonda ziyorat turizmi resurslarini samarali boshqarishning nazariy asoslari	90
Murodjon Rajabbayevich Matniyozov Methodological bases of formation of tourism image of the Khiva destination	96
Kamol Sharifovich Yuldashev Mustaqil turizm rivojlanishining evolyutsiyasi	100
Ўткир Дўснаевич Ражабов Ўзбекистонда диний туризм ривожланишининг салоҳияти ва истиқболлари	106
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Gulnora Mardiyevna Shadiyeva Ra‘no Akbar qizi Qulmurodova Raqamli iqtisodiyot sharoitida kichik biznes va oilaviy tadbirkorlik – aholi turmush darajasini oshirishning bir omili sifatida	110
Saodat Toxirovna Toshaliyeva Mamlakatimizda kichik tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish holati tahlili	114
Имомназар Эгамбердиевич Турсунов, Кермен Антоновна Наминова, Тулкин Саидахмедович Шарипов Развитие малого и среднего бизнеса в условиях цифровой экономики	118
Гулнора Мардиевна Шодиева, Дилноза Азаматовна Тоғаева Хизматлар кўрсатиш соҳасида оилавий корхоналарни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	123
Layli Baxtiyorovna Navruz-zoda Inson tadbirkorlik qobiliyatini baholash maqsadida uning sifat xususiyatlarini tasniflash	130
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Navruzbek Zarifovich Niyatov Xizmat ko‘rsatish sohasida boshqaruv samaradorligini oshirish	134
Shahlo Akramovna Maripova Modern digital tools in small business management	138
Bekzodjon Oblakulov, Shakhnoza Narkulova Marketing Analysis of International Brand in the Case of Borjomi	143
Абдухолик Эгамович Тангиров Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона бошқаруви ва уни ташкил этишининг моҳияти	147
Зулфия Мусаевна Усманова Перспективные направления совершенствования механизма управления персоналом	151
ИНВЕСТИЦИЯ	
Jahongir Ravshanbek o‘g‘li Hoshimov Yangi O‘zbekistonga xorijiy investitsiyalarni jalb etish holatining kompleks tahlili	155

Гулнора Мардиевна Шодиева – СамИСИ, “Реал иқтисодиёт” кафедраси профессори,
и.ф.д.

Дилноза Азаматовна Тогаева – СамИСИ, “Реал иқтисодиёт” кафедраси мустақил
изланувчиси

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Тадқиқотлар натижасида ушбу мақолада Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасида оилавий корхоналарни ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган. Хизматлар кўрсатиш соҳасида оилавий корхоналарнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви, экспорт салоҳиятини ошириш ва диверсификациялаш, маркетинг тизимини ислоҳ қилиш, инновацион ва стратегик бошқарувни такомиллаштириш, ҳамда самарадорлигини ошириш рентабеллик билан боғлиқ муаммолари асослаб берилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, оила, корхона, иқтисодиёт, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, бозор, фермер, тадбиркорлик, оилавий корхоналар, хизматлар, эhtiёж, диверсификация, инновация, стратегия, самарадорлик, рентабеллик.

Кириш: Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида оилалар ўз мулки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситалари ҳисобидан даромадларини кўпайтириш мақсадида фаол фойдаланишга интилиши ҳаётий заруриятга айланмоқда. Бироқ, оилавий корхоналар ихтиёридаги мавжуд мулкдан даромад олиш мақсадида фойдаланиш ҳамшиша ҳам муваффақиятли кечавермайди.

Оилавий корхоналар иқтисодий аҳволи, бандлик ва оила даромади кўп жиҳатдан умумий макроиқтисодий муҳитга ҳам боғлиқ деб ўйлаймиз. Чунки ислохотлар давомида республикамиздаги макроиқтисодий вазиятнинг динамик ўзгариб бориши, оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятига жалб этилиши шарт-шароитларини ҳам ўзгартириб бормоқда. Умуман олганда, ҳозирги пайтда макроиқтисодий муҳит ўтган йиллардагига нисбатан бизнес юритиш учун анча қулайлашди, инфляция суръатини пасайтириш ва уни 2023 йилда 6,8 % га олиб келиш имконини берди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Хизмат кўрсатиш ва оилавий корхоналарнинг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар В.К.Романович, С.Н.Коробкова, В.И.Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова [1] В.Жеребин, Т.Красылникова [2] ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Ушбу муаммоларни ўрганишга ўзбекистонлик олимлардан М.Қ.Пардаев [3], Г.М.Шодиева [4], Ш.О.Қувондиқов [5], Қ.Ж.Мирзаев, Т.С.Шарипов, Ш.А.Султонов [6] ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Ўзбекистонда бу соҳада бошқа иқтисодчи олимлар ҳам самарали илмий тадқиқотлар олиб боришган ва олиб боришмоқдалар. Бироқ Республикада хизматлар соҳаси масалалари таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ёндошилган, бу жараёнларнинг, хизматлар соҳасида оилавий корхоналарни ўрни ва функцияларини акс эттирувчи илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқот методологияси. Анализ ва синтез, индукция ва дедукция, кўп омилли ва динамик таққослаш, социологик сўров-анкета, иқтисодий-математик моделлаштириш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда оилавий корхоналарда мавжуд мулкларнинг умумий қиймати бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича тахминан 10 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу мулклар таркибида оила хўжаликларининг шахсий уй-жойлари салмоқли ўрин эгаллайди. Республикада деярли барча оилалар шахсий уй-жойларига эга. Бироқ, уларнинг хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги мулклари ўта кичик. Ҳозирги иқтисодий вазият асосий эътиборни мулкни тадбиркорликка инвестициялашга қаратишни талаб этмоқда.

1200 дан ортиқ оилавий корхона кесимида ўтказилган социологик сўров тадқи-

қотларимиз натижаларини 1-жадвалда келтирдик. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, оилавий корхона хўжаликлари асосан даромад келтирмайдиган мулклар билан таъминланиши юқори бўлган. Даромад келтирадиган мулклардан бири шахсий томорқа. Бу мулк тури 83,2 % аҳолида мавжуд. Йирик шохли моллар аҳолининг 47,7 %ида бор холос. Юк ва енгил автомашиналар кузатилган оилаларнинг 9,0 %дагина мавжуд. Кўришиб турибдики, оилалар мулкининг асосий қисмини даромад келтирмайдиган мулклар ташкил этади.

1 – жадвал

2022 йилда оилавий тадбиркорликнинг мулкий таъминланганлик даражаси¹

Мулк турларини ифодаловчи кўрсаткичлар	Оила хўжаликлари сони, та	Таъминланганлик даражаси, % да
Уй – жой ёки квартира	1095	97,6
Томорқа участкаси	934	83,2
Йирик шохли қорамол	536	47,7
Юк ва енгил автомобиллар	101	9,0

Таҳлилларнинг кўрсатишича, оила мулки таркибида улуши энг баланд (97,6 %) бўлган уй-жой ресурсларидан кам фойдаланилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири бизнес учун мослашмаган уй-жойлардан фойдаланиш имкониятлари унча кўп эмас. Шаҳардаги квартиралардан фақат ижарага бериш ёки савдо нуқталарини очиш мумкин холос. Оила мулкининг қолган қисмидан фақат даромад олиш мумкин бўлган мулк турларидан, яъни транспорт воситалари билан аҳолига хизмат кўрсатишда кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, уйда боқиладиган парранда ва чорва молларига жалб қилинган маблағлар ҳам оилаларга пул даромади келтиряпти (2 - жадвал).

2 – жадвал

2022 йилда оилавий корхона хўжалиklarининг узоқ муддатли хизмат кўрсатиш воситалари билан таъминланганлиги²

Воситалар номи	Оила хўжалиги сони	% да
Музлаткичлар	491	43,8
Кир ювиш машиналари	240	21,4
Чангютгич	54	4,8
Радиоалоқалар	52	4,7
Рангли телевизор	517	46,1
Оқ-қора телевизор	578	51,5
Магнитофон	253	22,6
Видеомагнитофон	109	9,7
Видео камера	7	0,6
Фотоаппарат	47	4,2
Велосипед	127	11,3
Спутникли антенна	11	1,0
Тиқиш машинаси	465	41,4
Шахсий компьютер	822	73,2

Маълумотлардан кўришиб турибдики, оилаларга даромад келтирмайдиган мулкларга энг аввало унинг кўчмас мулки (уй-жой ва бошқа иншоотлар) тўғри келмоқда. Агар у оила эҳтиёжидан ортиқча бўлмаса, албатта, уни ижарага бериб бўлмайди. Фақат оила аъзоларининг фойдаланиши эса, оилага даромад келтирмайди. Бу каби хизмат кўрсатиш воситаларига телевизор, совуткичлар ва бошқа маиший техника буюмлари қиради. Чунки

¹ Муаллифнинг социологик анкета-сўров тадқиқотлари натижасида кузатилган оила хўжаликлари маълумотлари асосида тузилди.

² Муаллифнинг социологик анкета-сўров тадқиқотлари натижасида кузатилган оила хўжаликлари маълумотлари асосида тузилди.

булар оила учун даромад манбаи сифатида ишлатилмайди.

Оғзаки сўровларга кўра, оиладаги мулкдан даромад олишга уринган оилаларнинг аксарияти ўз фаолиятларини муваффақиятли деб ҳисоблашади. Бундан ташқари, ўз мулкни капиталга айлантиришни истаган оилаларнинг 50 фоизи бунинг учун маблағга муҳтож эмаслигини таъкидлайди. Шунга қарамай, кўпгина оилалар ўз мулкдан ҳалигача тўғри фойдаланишмаяпти. Бу қулай макроиктисодий муҳит оилаларга ўз мулкларидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш имконини бермаяпти. Сўралган оилалар ичида оила ресурслари базасида оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш истагида бўлганлар буни амалга оширганларга қараганда икки баравар кўпни ташкил қилади. Бундан кўринадики, оилавий корхоналарни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омилдир. Чунки оилаларнинг кўпчилиги бунинг учун етарли молиявий манбага эга эмаслигини маълум қилишади. Бунга далил сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда бизнес фаолиятини бошламоқчи бўлган оила камида 50,5-70,0 млн. сўм маблағ жалб қилиши керак бўлади. Жамғарма шаклидаги бундай маблағга сўралган оилаларнинг 60-70 фоизи эга ҳолос, 30-40 фоиз оилалар эса умуман жамғармаларга эга эмас. Демак, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашда микрокредит уюшмаларининг ролини ошириш талаб этилади.

Шу билан бирга, оилавий корхона активларидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бошланғич капитал сифатида фойдаланишга халақит бераётган асосий сабаблардан бири, мамлакатда бозор муносабатлари ва институтларининг етарлича ривожланмаганлигидир. Бу айниқса қуйидагиларда кўпроқ намоён бўлади:

Республикамизда оилавий корхона хўжалиklarининг хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги мулкларининг йилдан-йилга ўсиши, улар даромадларининг жамғарилишига асос яратади. Оилавий корхона хўжалиklари жамғармалари микдорининг кўпайиши эса, уларнинг асосий капиталга киритаётган инвестициялар ҳажмини ошириш имконини бермоқда

Юқорида келтирилган таҳлил асосида оилавий корхона хўжалиklари даромадлари, жамғармалари ва инвестицияларининг ўсишини оилавий тадбиркорликнинг турли хил шакллари ривожланиши ва бу давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик субъектлари эришаётган ютуқлар уларнинг қатор устунликлари билан ҳам изоҳланади:

- хўжаликни ташкил этишнинг ихчамлиги ва уларнинг бозор муҳитига тезда мослашувчанлиги;
- хўжалик аъзоларининг маълум бир оилага мансублиги;
- оила мулки ва маблағлари ҳисобидан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш имкониятининг борлиги;
- меҳнатни ташкил қилишдаги ва хўжаликни бошқаришдаги қулайликлар ва б.

Уй хўжалиklарида оилавий корхона тадбиркорлигини ташкил қилишдаги бундай қулайлик ва афзалликлардан келиб чиқиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган оилалар кузатилди. Масаланинг бу жиҳати кейинги бобда қаралади.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга кўра, ҳар бир имтиёзли кредит турлари алоҳида - алоҳида мақсадлар учун ва алоҳида шартлар асосида ажратилади. Хусусан, оилавий тадбиркорлик субъекти имтиёзли кредит (микрокредит) олиш учун оиланинг камида битта аъзоси ижтимоий суғурта жамғармасига ва пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни ўтказиб бораётган бўлиши лозим.

Оилавий корхона тадбиркорлигига микрокредитлар 2 йилгача муддатга қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз, жисмоний ёки юридик шахсларнинг кафолат хатлари ёки мулкни гаровга қўйиш шarti билан берилаяпти.

Оилавий корхона тадбиркорликка бериладиган микрокредитнинг 50 фоизи чорва моллари, парранда, омухта ем, уруғлик ва кўчат, ускуна ва материалларни жисмоний шахслардан сотиб олиш учун нақд пулда ҳам берилиши мумкин. Микрокредитнинг нақд

пулда берилган қисми нақд пулда қайтарилиши лозим. Микрокредитни қайтаришнинг имтиёзли даври 6 ойни ташкил этади. Микрокредит уюшмаларининг қисқа муддатли тажрибасининг кўрсатишича, кредит уюшмаси аъзолари муайян жамғармага эга бўлган ва уни қонуний йўл билан тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ишлатмоқчи бўлган оилалардир. Аммо айрим оилалар аъзолик бадалини тўлашга маблағи йўқлиги сабаб кредит уюшмаларига аъзо бўлмаяптилар.

Микромолиялаштириш ривожланаётган давлатларда жуда оммалашган. Бунда кам таъминланган оилаларни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш асосий ўрин тутати. Бу унсурлардан мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш даражасига қараб турлича қўллаш мумкин.

Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, микромолиялаштириш аҳолининг кам таъминланган қисмига ва яқка тартибдаги тадбиркорларга молиявий хизматлар кўрсатиш инструменти сифатида қўлланилган. Ҳозирги кунда ҳам микромолиялаштириш кўп мамлакатларда куйидаги инструмент сифатида фойдаланилади:

- кам таъминланган оилаларни қўллаш;
- оммавий молия манбааларга мурожаат қилишга имконияти йўқ бўлган микрокорхоналарга молия - кредит хизматлари кўрсатиш;
- кичик бизнесни қўллаб - қувватлаш.

Оилавий корхона тадбиркорликка бериладиган кредитлар энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорда куйидаги:

- чорва моллари, парранда, ем ва хашак, минерал ўғитлар, уруғликлар, кўчатлар сотиб олишга;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун иссиқхоналар қуриш ва жиҳозлашга;
- хунармандчилик фаолияти, халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган кичик ускуналар, асбоблар, хом ашё материаллари, ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олишга;
- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ мақсадларга берилади.

2019-2022-йилларда Самарқанд вилоятида 50 минг 800 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлган. Уларнинг 21 минг 370 таси юридик шахс мақомига эга бўлса, 29 минг 400 дан ортиғини яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этган. Вилоятда 2019-2022 йилларда янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сонини камида икки баробарга ошириш белгиланган. Жумладан, жорий йил якунига қадар 10 минг 100 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, йилнинг ўтган даврида 5955 та янги тадбиркорлик субъектлари фаолият бошлаган.

Ҳозирги кунда иш билан банд бўлган аҳолининг асосий қисми, яъни 85 минг 240 нафари айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилиб келмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 9 минг 851 та янги иш ўринлари яратилган. 2022 йилнинг 1 август ҳолатига барча йўналишлар бўйича тижорат банклари томонидан 4 триллион 103 миллиард сўм, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2 триллион 903 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб тўрибдики, Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг 2018 йилдан 2022 йилгача бўлган иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми 2018-2022 йилларда 25132,8 млрд сўмга ошган. Самарқанд вилоятида таҳлил этилаётган йиллар мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 220,6 фоизга, кичик тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 109,2 фоизга ошган бўлиб, экспорт ҳажми эса 81,8 фоизга камайган.

Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодий кўрсаткичлари¹


№	Кўрсаткичлар	2018-2022 йилларда ўсиши					2018 йилга нисбатан 2022 ўзгариш суръати
		2018	2019	2020	2021	2022	
1	Кичик бизнес соҳасида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	14325,8	17485,6	29135,3	32 875,95	39 458,6	25 132,8
2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши, %	78,2	80,0	77,5	75,0	74,7	-3,5
3	Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, бирлик	15 005	10 669	19 629	25 643	33 114	18 109
4	Кичик тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар, (мингкиши)	1298,7	1300,2	1345,8	1 418,3	1475,2	176,5
5	Кичик бизнес субъектлари экспорти ҳажми, (млн. доллар)	295,4	257,4	298,5	335,2	241,9	53,5

Самарқанд вилоятида бугунги кунда 487 та лойиҳа ишга тушиб, 8 мингга яқин янги иш ўрни яратилган. 2019-2022 йилларда вилоятда саноат йўналишида 10 триллион 754 миллиард сўмга тенг бўлган 207 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Жумладан, 1 триллион 349 миллиард сўмлик 21 та лойиҳа “Ургут” эркин иқтисодий зонаси худудида, 277,2 миллиард сўмлик 21 та лойиҳа вилоятдаги кичик саноат зоналари худудида жойлаштирилиши кўзда тутилган. Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида тегишли дастурлар доирасида жисмоний ва юридик шахсларга жами 411,2 миллиард сўм миқдоридан имтиёзли банк кредитлари ажратилди. Хусусан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 344,7 миллиард сўм, фермер, деҳқон ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 4,7 миллиард сўм, хунармандчиликни ривожлантиришга 22,1 миллиард сўм, бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 5,4 миллиард сўм ва “Ёшлар - келажагимиз” дастури доирасида 23,7 миллиард сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди. Вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш кўп жиҳатдан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда вилоятдаги “Ургут” эркин иқтисодий зонасида 58 инвестор томонидан умумий қиймати 226 миллион АҚШ доллари тенг 65 та лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб борилди.

Тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган ва келтирилган 1-расмда оилавий корхоналарни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг шакллари иқтисодиётимизнинг ҳозирги кунгача бўлган ҳолати нуктаи назаридан тадқиқ этилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ўзбекистонда оилавий корхонани давлат томонидан тартибга солиш ва ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштириш модели¹



бўлса, келгуси тараққиёт босқичи даврида, айниқса рақамли иқтисодиёт шароитида бу соҳага эътибор бунданда ортиб бориши ва қўллаб-қувватлаш чораларининг янги шакллари, турлари пайдо бўлишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар: Мухтасар айтганда оилавий корхоналарни ривожлантириш ва ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш - ва самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

¹ Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

• оилавий корхона хўжаликларининг ресурсларини уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятларига жалб этишни кучайтиришга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш билан бирга микро-кредит тизимини ривожлантириш;

• оилавий корхона тадбиркорлигини ривожланиши учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида тадбиркорлик ва мулкчилик ҳуқуқларига оид тўпламлар яратиш ҳамда, гаровга қўйилган мулк ёки оила активларини сотиб олиш ҳуқуқига қатъий амал қилишни таъминлаш;

• ёш оилаларнинг кредитлар олиш имкониятларини янада кенгайтиришга қўмаклашиш зарур. Бу эса оиланинг мулкий таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Романович В.К., С.Н.Коробкова, В.И.Кравченко,С.В.Орлов, И.П.Павлова “Сервисная деятельность”: учеб. пос.: подобщ.ред –3-е изд. –СПб.: Питер, 2005.–156 с.

2. Жеребин В., Красылникова Т. Домашние хозяйства в переходной экономике // Вопросы статистики. – 1998. - № 1. – С. 3-12.

3. М.К.Пардаев, Г.Шодиева. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. (маърузалар матни), Самарқанд, 2001. – 8 - Б.

4. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: Фан. 2006. -28 Б.

5.Қувондиқов Ш.О. Хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Самарқанд: СамИСИ, 2008.- 23 б.;

6. Мирзаев Қ.Ж., Т.С.Шарипов, Ш.А.Султонов ва бошқалар: Хизматлар соҳаси иқтисодиёти (дарслик) , Самарқанд-2021 й.

<p>Г.Шадиёва, Д.Тогаева</p> <p>Совершенствование организационно-хозяйственных механизмов семейных предприятий в сфере услуг</p>	<p>G.Shadieva, D.Togaeva</p> <p>Improving the organizational and economic mechanisms of family enterprises in the service sector</p>
<p>Аннотация: в результате исследования в данной статье анализируются основные направления государственной политики и совершенствование организационно-экономических механизмов развития семейных предприятий в сфере оказания услуг в Узбекистане. Освещены проблемы, связанные с интеграцией семейных предприятий в международное сообщество, увеличением и диверсификацией экспортного потенциала, реформированием системы маркетинга, совершенствованием инновационного и стратегического управления, повышением эффективности и прибыльности в сфере услуг.</p> <p>Ключевые слова: услуга, семья, предприятие, экономика, малый бизнес, частное предприятие, рынок, фермер, предпринимательство, семейный бизнес, потребность, диверсификация, инновации, стратегия, эффективность, рентабельность.</p>	<p>Abstract: as a result of the research, this article analyzes the main directions of state policy and the improvement of organizational and economic mechanisms for the development of family enterprises in the service sector in Uzbekistan. The problems associated with the integration of family businesses into the international community, increasing and diversifying export potential, reforming the marketing system, improving innovative and strategic management, increasing efficiency and profitability in the service sector are highlighted.</p> <p>Keywords: service, family, enterprise, economy, small business, private enterprise, market, farmer, entrepreneurship, family business, need, diversification, innovation, strategy, efficiency, profitability.</p>

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.